

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиши тўғрисида)

2024 йил октябрь ойининг 28 куни, Тошкент вилоят жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди, Олмалиқ шаҳар биносиди, очик суд мажлисида, судья Д.Юсупованинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Турсунованинг котибалигида, Олмалиқ шаҳар прокурори ёрдамчиси Ф.Нажмиддинов жабрланувчи Э.Абдувалиева ва судланувчи Н.Абдувалиеванинг иштирокида, Абдувалиева Нилуфар Хожиакбар қизига нисбатан бўлган 1-1110-2402/429-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

**Абдувалиева Нилуфар Хожиакбар қизи (Abduvaliyeva Nilufar Hojiakbar qizi)-** 24.03.2002 йилда Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали 1 нафар фарзанди бор, депутат бўлиб сайланман, давлат мукофотлари олмаган, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри, А.Темур кўчаси 1<sup>6</sup> 25 хонодонда яшайди, 17.09.2024 йилда муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулоса нусхасини ўз муддатида олган.

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, ишда тўпланган ҳужжатларга ва суд муҳокамасида текширилган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Н.Абдувалиева, ўзи билан бир хонадонда истиқомат қилувчи қайнонаси Абдувалиева Элмира Джураевна билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик оқибатида, 2024 йил 23 июнь куни соат тахминан 22:40 ларда яшаш хонадониди оғзаки тарзда жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида Н.Х.Абдувалиева қайнонаси Э.Д.Абдувалиеванинг 4 (номсиз) бармоғини қасддан куч ишлатган ҳолатда қўллари билан қайириб тан жароҳати етказган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизани 02.07.2024 йилдаги 1008-сонли хулосасида Э.Абдувалиева ўнг қўл билан соҳасида гипсли боғлам, ўнг қўл 4 бармоқ суягини асосидан бурчакли синиши, бу тан жароҳатлар соғлиқнинг узок яъни 21 кундан кўп вақтга бузилишига олиб келган ўртача оғирликдаги тан жароҳатлар сифатида баҳоланиши кўрсатиб ўтилган.

Шундай қилиб, Абдувалиева Нилуфар Хожиакбар қизи содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва жиноят кодекси 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин



соғлиқнинг узок вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Судланувчи Н.Абдувалиева дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда жабрланувчи Э.Абдувалиева билан ўзаро ярашиб олишганини, жабрланувчи Э.Абдувалиева уни кечирганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини баён этиб, жабрланувчи билан ярашиб олганлиги сабабли жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Э.Абдувалиева дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судланувчи Н.Абдувалиевага нисбатан даъвоси йўқлигини, уни кечирганини, ярашув ҳақидаги аризани ўз ихтиёри билан ёзиб тақдим қилганини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳукуқий оқибатларни тушунганини баён этиб, Э.Абдувалиевага нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд мажлисида судланувчи Н.Абдувалиева ва жабрланувчи Э.Абдувалиевага етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги ва у билан ярашганини айтиб, ярашгани тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиб, ярашганликлари муносабати билан жиноят ишини тугатишни сўрашган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига биноан, ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан, жабрланувчи ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, жабрланувчи Э.Абдувалиева ва судланувчи Н.Абдувалиеванинг ярашув тўғрисидаги аризаларини ўрганиб чиқиб ҳамда Олмалик шаҳар прокурори ёрдамчиси, судланувчи Н.Абдувалиева, жабрланувчи Э.Абдувалиеванинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатиш ҳақида билдирган фикрларини эшитиб, судланувчи Н.Абдувалиеванинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчи ва жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув уларнинг ўзаро хоҳишлари билан ихтиёрий бўлганлигини эътиборга олиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ярашувга тушиши сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ судланувчи Н.Абдувалиевани жинойий жавобгарликдан озод қилиб ва унга нисбатан юритилган жиноят ишини айблилик масаласини ҳал қилмасдан



туриб Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим деб топади.

шунингдек, жабрланувчи Э.Абдувалиева Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириш лозимлигини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Судланувчи **Абдувалиева Нилуфар Хожиакбар қизи (Abduvaliyeva Nilufar Hojiakbar qizi)** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жинояти учун жинойий жавобгарликдан озод қилинсин ва унга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач, Н.Абдувалиевага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Н.Абдувалиевага мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолган деб ҳисоблансин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кунлик муддатда шу суд орқали Тошкент вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест билдиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи**

**Д.Юсупова**

**Маъсул судья: Юсупова Донахон Шерипбаевна**

